O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI


Mustaqillik biz uchun — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

● 2009-yil ● 17-sentabr ● Payshanba ● 112 (30.073) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва мақсадлари бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ойша Охунова сўзга чиқди.

Фракция фаолияти



ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШАДИ







Маълумки, мамлакатимизда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2008 йил 26 декабрь) Қарори асосида ОИТСга қарши курашнинг ягона тизими ташкил этилган. ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу касалликнинг олдини олишнинг асосий жиноий-ҳуқуқий чораси Жиноят кодексининг 113-моддаси 4-қисмида кўрсатилган. Унда била туриб бошқа шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга мазкур касалликни юқтириш учун жавобгарлик белгиланган.

Гарчи касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 116-моддасида белгиланган бўлса-да, бевосита ОИВ инфекциясини юқтириш 116-модда диспозициясига мувофиқ келмайди. Шу боис 113-моддага касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида бошқа шахсга ОИВ инфекциясини юқтириш учун жиноий жавобгарликни белгиловчи махсус норма киритилмоқда.

Депутатлар биринчи ўқишда муҳокамага қўйилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур лойиҳа юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Худоёр Маматов тушунтириш берди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 21 сентябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 сентябрь

НАВОИЙДА МАТБУОТ УЙИ

Мустақиллик байрами арафасида Навоий вилоятида қатор янги, бири-биридан бежирим турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

Зарафшондаги олтинтопарлар турар-жой биноси, Томдибулоқдаги спорт комплекси, Навбаҳор туманидаги Халқ банки, Конимехдаги молия маркази ҳамда Кармана туман халқ таълими бўлими маъмурий бинолари ажойиб байрам туҳфаси бўлди. Матбуотчилар ҳам бундай бунёдкорлик туҳфасидан четда қолмади. Вилоятда Матбуотчилар уйи ва замонавий янги босмахона ишга тушди.

Бино «Темур Малик» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан бунёд этилди. Эндиликда бу даргоҳда нафақат вилоят газеталари ижодкорлари, балки республика марказий нашрларининг ўз мухбирлари, Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг вилоят бўлимлари фаолият юритади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП фаоллари

ҚУРМАТ ВА ИШОНЧГА МЕҲНАТ, МАШАҚҚАТ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

Қўқонда таниқли одамлар кўп. Одинахон Дўстматовани ҳам ҳамма билади. Катта-ю кичик унга ҳурмат билан «опа» деб мурожаат қилади, «дард»ини айтади, ундан жўяли жавоб, амалий ёрдам олади. Одинахон ҳаммага бирдек муносабатда, камтарин, самимий. Унинг ҳаётда рўй бераётган воқеликни англаб, таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқара олиш қобилияти бошқаларга ҳам йўл кўрсатишда асқотади. Ҳар қандай ҳолатга холис баҳо бериб, унинг амалий ечимига фидойилик билан киришадиган аёл. Шунинг учун ҳам атрофидагилар унинг ортидан эргашаётгандир...

Бундан 4-5 йил илгари «Қўқонмаш» заводи иқтисодий жиҳатдан жиддий муаммоларга дуч келиб, фаолиятини тўхтатди. Ишчи-мутахассисларга ўз ҳисобидан таътил берилди. Қарздорлик иш юритишга йўл қўймасди. Банкротлик ҳолати судда кўрилиши муқаррар бўлиб қолганди. Ана шундай мураккаб вазиятда Одинахонга заводга бошчилик қилишни таклиф этдилар. Бу тасодифий қарор эмасди. Одинахон Дўстматова 17 ёшдан корхонада оддий ишчи, сўнг металлни қайта ишлаш бўйича муҳандис-технолог бўлиб жами 30 йилга яқин меҳнат қилган. У етук мутахассис бўлиши билан бирга, иқтидорли ташкилотчи ҳам эди.

(Давоми 2-бетда)

Кун сайин чирой очиб бораётган Шофиркон туманида касб-ҳунар коллежлари сони еттитага етди. Бугун уларнинг сони яна 2 тага ортди. Денов қишлоқ фуқаролар ҳудудида Педагогика, Исногаре қишлоғида эса Қурилиш ва сервис хизмати касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ ҲУНАР МАСКАНИ


— Ҳар иккала қишлоқда қад ростлаган коллежлар ўзига хос, бири-бирини такрорламайди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, партиядошимиз Абдураҳмон Шарипов. — Ҳунар масканлари тайёрлайдиган мутахассисларга талаб жуда катта. Уч қаватли, барча қулайликлар муҳайё бўлган мазкур таълим даргоҳларида ҳозир 600 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари пухта билим ва касб ўрганмоқда.

Доврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ИТАЛИЯДАН НАВБАТДАГИ ХУШХАБАР

Шу йилнинг 7-12 сентябрь кунлари Италиянинг Фермо шаҳрида VII Халқаро зарб мусиқа асбоблари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчилари Шамун Усубжонов ва Жаҳонгир Файзуллаевлар фахрли биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.



Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган бу сафарги танловнинг нуфузли ҳайъат аъзолари 50 та мамлакатдан ташриф буюрган 200 дан ортиқ иқтидорли ёшларни икки босқичли тизимда баҳолаб боришди. Якунда Шамун Усубжонов 15 ёшгача бўлган мусиқачилар ўртасида литавра чолғу асбобидаги чиқиши билан барчани лол қолдириб, олий ўринга лойиқ кўрилган бўлса, ўн олти ёшлилар ўртасидаги баҳсда Жаҳонгир Файзуллаев учинчи ўринни эгаллади.


— Финал босқичига мен билан бирга яна беш киши етиб келдик, — дейди Шамун. — Улардан иккитаси италиялик, шунингдек, Куба, Америка ҳамда Россиядан вакиллар бор эди. Мусиқали чиқишим якунлангач, залда ўтирган хорижлик меҳмон ва томошабинларнинг қарсак чалиб, «Браво, Ўзбекистон!», деган сўзларидан беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Минглаб мухлислар қаршисида биринчи ўринни олганлигимни эълон қилишганда қалбимни фахр-ифтихор туйғулари эгаллаб олди. Кўз олдимда ота-онам, устозларим гавдаланди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга чексиз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман.

— Италияга кетаётиб, албатта, фахрли ўринлардан бирини эгаллаб, юртимга ёруғ юз билан қайтаман, деб ният қилган эдим, — дейди Жаҳонгир Файзуллаев. — Бунда устозларим Убайдулла Тошматов, Алишер Отаназаровларнинг хизматлари беқиёс.

— Мактабимизда Шамун ва Жаҳонгирга ўхшаган иқтидорли ўқувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди мактаб-интернат директори Зулфиқор Холмирзаев. — Хусусан, Италияда ўтказилган ўтган йилги кўрик-танловда ҳам ўқувчимиз Фозил Муродқулов ғолибликни қўлга киритган эди. Бу йил эса совриндорларимиз яна иккитага кўпайди. Буларнинг бари муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга яратиб бераётган улкан имкониятлари ва ғамхўрликлари мевасидир.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ИМКОНИЯТДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНАЯПМИЗ?
Бугун буни сарҳисоб қилиб, тегишли хулосалар чиқариб олиш зарур
2



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ УЧУН
3
оталар ҳам масъул, демак...



ЎЗБЕКИСТОН — ГОНДУРАС — 1:0
4

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

ИМКОНИЯТДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНАЯПМИЗ?

Бугун буни сарҳисоб қилиб, тегишли хулосалар чиқариб олиш зарур

Мустақиллик йилларида, аниқроғи, ўтган 18 йил давомида юртимиз нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Айниқса, мамлакат парламентининг икки палатали бўлиб шаклланган, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг роли кучайгани мамлакатни демократик модернизациялаш жараёнини янги босқичга кўтарди.

Сиёсий партиялар фаолият юритиши учун яратилган шароит ва имкониятлар мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора чуқурлашиб боришидан далолатдир. «Сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ, бўлғуси сайловларда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялардан кўрсатилади. Шунинг ўзи мамлакатда сиёсий партиялар фаолиятига қанчалик кенг имконият яратилганини кўрсатади. Бундан қай даражада фойдаланиш сиёсий партия етакчилари, жойлардаги фаоллар ва аъзоларнинг сиёсий, ҳуқуқий билим даражасига бевосита боғлиқ.

2004 йилда бўлиб ўтган сайловлардан буён ўтган давр мобайнида партиямиздан сайланган депутатлар дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб, қатор ишларни амалга оширди.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашига сайланган ўн икки нафар депутатнинг номзоди ЎзХДПдан кўрсатилган. Уларнинг уч нафари доимий комиссия раисларидир. Барча депутатлар келишилган жадвал асосида жойларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловчилар қабулини ташкил этмоқдалар. Уларнинг мурожаатларида қўйилган масалалар ечими топилиб, ижобий ҳал этилмоқда.

Мисол учун, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан 2007 йилда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг Наманган шаҳар ташкилотларида ижросини таъминлаш масаласи 87 субъект мисолида ўрганилиб, шаҳар Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди. Бир қатор ташкилотларда қонун талаблари бузилаётгани аниқланиб, белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Фуқаролардан тушаётган ҳар бир мурожаатга масъулият билан қараш, уларга қонунда белгиланган тартибда жавоб қайтариш зарурлиги таъкидланди.

Депутатлик гуруҳи 2008 йилда Наманган шаҳрида 2008 йил куз ва 2009 йил қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг аҳволи ҳақидаги масалани ўрганиб, сессия муҳокамасига киритди.

Масалани тайёрлаш жараёнида таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида, ҳаммаси бўлиб 50 дан ортиқ субъектдаги аҳвол чуқур ўрганилди. Натижа қишга тайёргарлик борасида ҳали амалга ошириладиган ишлар кўплигини кўрсатди. Берилган таклифлар халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши томонидан эътиборга олиниб, қишга тайёргарлик ишлари учун қўшимча равишда 78 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағ халқ таълими муассасаларидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилди. Депутатлик гуруҳи эса ажратилган маблағнинг сарфланиши устидан жамоатчилик, депутатлик назоратини ўрнатиб, масала юзасидан таҳлил ўтказди. Бу фуқароларда ХДП таклифларини эътиборсиз қолмаслигига ишонч уйғотди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини барча депутатлар ўз округларида сайловчиларга тушунтирдилар. Ўзлари ҳам асарнинг асосий ғояларидан келиб чиқиб, маҳалла ёки округларда қўшимча иш ўринлари яратиш юзасидан таклифлар тайёрладилар.

Депутатлик гуруҳининг 2009 йилги иш режасига кўра, Наманган шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволи ҳақидаги масалани шаҳар Кенгаши сессиясига тайёрламоқда. Мақсад, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги камчилик ва муаммоларни бартараф этишдир. Масалани тайёрлаш жараёнида депутатлар билан бирга партия фаоллари ҳам бевосита иштирок этаяпти. Бу эса депутатлик гуруҳининг электорат манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолиятини кучайтириш имконини бермоқда.

Бироқ амалга оширилган ишлар хотиржам бўлишга асос бўла олмайди. Мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари берилган имкониятлардан ҳар доим ҳам тўлиқ фойдалана олмаяпти.

2009 йил декабрда бўладиган сайловларда сайланадиган депутатлар янада фаол, сиёсий-ҳуқуқий билим даражаси юқори, фуқаролар билан ишлашни биладиган, эркин фикрли, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда етарли тажрибага эга бўлиши лозим.

Шуларни инобатга олиб, депутатликка номзодлар танлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бунда номзодларнинг яшаётган маҳалласида, меҳнат қилаётган жамоасида тутган ўрни, муаммоларни кўтариб чиқиш қобилияти, сиёсий савияси каби жиҳатларига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

Маматвали ТУРҒУНОВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШАДИ



Амалдаги қонунчиликда вояга етмаганлар меҳнатидан ноқулай шароитдаги ишларда фойдаланганлик учун ота-оналар ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилмаган. Меҳнат ҳуқуқи ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш белгиланган. Аммо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаганлар меҳнатига оид ҳуқуқбузарлик учун иш берувчининг жавобгарлиги белгиланмаган. Ана шуларни эътиборга олиб ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, мамлакатимизда ратификация қилинган БМТнинг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Конвенция талабларидан келиб чиқиб, юқоридаги кодексга қўшимчалар киритиш зарурати юзага келди.

Фракция мажлисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилди. Ушбу лойиҳа юзасидан Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Отабек Раззоқов маъруза қилди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачлар томонидан даволаш ва диагностика стандартларининг қўпол бузилиши, ўзининг мажбуриятларини профессионал даражада бажармаслик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига реал даражада хавф туғдирмоқда. Ушбу соҳада қонуний-лик ҳолатини таҳлил этиш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи врачларнинг фаолияти фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, аҳолига кафолатланган ҳамда малакали тиббий хизмат кўрсатиш масаласи билан ўзаро мос эмаслигини кўрсатди. Мониторинг натижаларига кўра эса якка тартибда жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётган шифокорларнинг қўл остида бошқа ходимлар ҳам фаолият кўрсатаётгани, унга турли йўналишларда кўмаклашаётгани намоён бўлмоқда. Айни пайтда эса якка тартибда фаолият кўрсатадиган хусусий тадбиркор (шифокор) уларни расмий равишда ишга қабул қила олмайди. Демак, улар ижтимоий жиҳатдан кафолатли ҳимояга эга эмас.

Таъкидландики, бу Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига зиддир. Ана шундай ҳолатлар эса бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунга жисмоний шахсларнинг хусусий амалиёт билан жисмоний шахс сифатида шуғулланишини истисно этувчи ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда. Юридик шахс сифатида тиббий фаолият билан шуғулланишга эса ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Мажлис сўнгида «Ўзбекистонда ахборот-кутубхона тизимининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Ишматовнинг ахбороти кўриб чиқилди.

Мажлисда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ
Носиржон ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП ҳаёти

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСА, САМАРАСИ ОШАДИ

Сиёсий маданиятни юксалтиришда тарғибот-ташвиқот ишларига жиддий ёндашиш талаб қилинади. Навоий вилоят партия кенгашида «Партия кенгашлари тарғибот гуруҳлари ишини кучайтириш» мавзусида бўлиб ўтган семинар кенгашда бу масала батафсил муҳокама этилди. Унда шаҳар, туман партия кенгашлари раисларининг ўринбосарлари, тарғиботчилар гуруҳлари етакчилари ва ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази масъул ходимлари иштирок этди.

— Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида такомиллаштириш талаб этилмоқда, — деди вилоят партия кенгаши мафкура бўлими мудири Жамила Пўлатова. — Айниқса, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда тарғибот ишларининг аҳамияти катта. Партиямизнинг мафкуравий тамойиллари, дастурий мақсадларини амалга оширишда тарғибот гуруҳларимиз ижтимоий ҳамкорларимиз, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаши зарур.

— Ҳар бир фуқаронинг жамиятда тутган ўрни аввало маҳаллада кенг намоён бўлади, — деди Кармана шаҳридан партия фаоли Карима Комилова. — Шундай экан, маҳаллаларда кўпроқ маданий-маърифий, тарбиявий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда обрўэътиборга эга фаолларимиздан кўпроқ фойдаланишимиз керак. Шунда ишимизнинг самараси янада юқори бўлади.

— Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида ҳар бир инсон сиёсий, ҳуқуқий билимларга эга бўлиши керак, — деди Хатирчи туманидан партия фаоли Мухтор Санақулов. — Қаерда одамлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан фаол бўлса, ўша жойда ижобий ўзгаришлар рўй беради. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, бугун тарғиботчиларимиз олдида нечоғли масъулиятли вазифалар тургани яна бир бор аён бўлади. Биз, аввало, кишиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари ҳамда партиямизнинг дастурий мақсадларини электорат орасида кенг тарғиб этишда янги ва самарали усуллардан фойдаланишимиз зарур.

Тадбирда тарғиботчилар олдида турган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шундан келиб чиқиб, вилоят партия ташкилотлари тарғиботчилар гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Феруза ҚОДИРОВА

ҲУРМАТ ВА ИШОНЧГА МЕҲНАТ, МАШАҚҚАТ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

— Аввалига ўйланиб қолдим, — деб эслайди ўша кунларни Одинахон. — Бундай вазифани уддалай олармиканман. Лекин бири ака, бири ука, бири опа, бири сингил бўлиб қолган жамоа ишончи менга куч ва қатъият берди.

Бугун корхонада бутунлай ўзгача манзара. 200 дан зиёд мутахассис бу ерда машинасозлик саноатини қайта жонлантирди. Асакадаги автомобиль заводи билан узвий алоқада иш олиб бориляпти. Ҳозир «Нексия», «Матиз», «Дамас» русумли автомобиллар учун 31 турда бутловчи қисмлар етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми кундан-кун ўсаяпти. Агар 2008 йилнинг саккиз ойида 1,6 миллиард сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, 2009 йилнинг шу даврида у 1,9 миллиард сўмликни ташкил этди. Ўртача иш ҳақи 2005 йилга нисбатан 4 баробарга кўпайди. Барча қарздорлик узилиб, ҳисоб рақамида салмоқли айланма маблағ пайдо бўлди. Энди «Қўқонмаш» шаҳардаги кўплаб хайрия акцияларида асосий ҳомийлардан бирига айланди. Бундай кўрсаткичлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

— Ўғил-қизларим уйли-жойли, — дейди у. — 5 нафар набирам бор. Заводга келганимга ҳам 36 йил бўлибди. Лекин бир кун ҳам уйда ўтира олмадим. Баъзида ярим кечагача қолиб, инженер-технологлар билан янги детал устида баҳслашишга, лойиҳаларни узоқ вақт муҳокама қилишга тўғри келади.

Одинахон Дўстматова ЎзХДПнинг фаол аъзоларидан. У партия номзоди сифатида Қўқон шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган. Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашида партиямиз депутатлик гуруҳи раҳбари.

— Одамлар депутатдан аксарият ҳолларда маиший муаммоларни ҳал этишда ёрдам сўрашади, — сўзида давом этади у. — Албатта, мен уларга қўлимдан келганича ёрдам бераман. Аммо депутат, у қайси даражада бўлмасин, аввало сиёсатчи. Сиёсат дегани қуруқ гап эмас. Иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг йўналишларини белгилайдиган қонун ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш қобилиятига эга тажрибали ва илмли инсон бўлиши керак у. Нега бундай деяпман? Афсуски, айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги ҳамкасбларим қонуний ваколатларидан ҳамиша ҳам самарали фойдаланмайдилар. Шунинг учун ҳам биз шаҳарда ижтимоий-иқтисодий вазиятни янада барқарорлаштириш, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини янада тўлиқ таъминлашда депутатларимиз фаоллигини кескин кучайтириш масаласини ўртага ташладик.

Маълумки, қонунчиликда рўй берган муҳим ўзгаришлар туфайли сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари янада кенгайди. Партия фаолиятида эса етакчининг алоҳида ўрни бор.

Менимча, каттами, кичикми, етакчи ёрқин шахс бўлиши керак. Уни партиядошлар яхши таниши, мақсад-интилиши, ишлаш қобилиятидан хабардор бўлиши зарур. Сиёсий партия дастурий мақсадига эришишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири партия етакчиларининг қатъияти ва эътиқодига, сафдошлари унга нечоғли ишонишига ҳам боғлиқ.

Ҳурмат ва ишончга эса меҳнат, машаққат билан эришилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазами билдирмоқчиман. Сайлов арафасидамиз. ЎзХДПдан депутатликка кўрсатиладиган номзодларни танлашда уларнинг жамиятда тутган ўрнига, ижтимоий фаоллигига алоҳида эътибор берилиши лозим. Сайловчига тавсия этган номзодларини партия фаоллари турли қонуний воситалар орқали тарғиб қилиши, сайлов жараёнида номзод билан ёнма-ён туриши ҳам оддий гап эмас. Шундай бўлганида номзод бундан руҳланиб, ўзида янада кўпроқ ички куч топади, сайловчида ҳам партиядаги аҳиллик, изчиллик ва қатъият ҳақида таассурот ҳали ишчилар, цех бошлиғи, ҳали қурувчилар келиб «опа»лари билан мунозарага киришиб кетавердилар. Мен эса уларни кузатаман. Мулоқотлардан билдимки, корхонада аёллар учун иш ҳақи сақланган ҳолда, иш вақти бир соатга қисқартирилган экан. Ёлғизлар, кам таъминланган оилаларга қўшимча имтиёзлар жорий қилинибди. Фахрийлар ҳолидан ҳамиша хабар олиб турилар эканлар. Тошкентдан келган мутахассислар ёрдамида яна бир янги дастгоҳ мажмуасини ўрнатиш тараддуди кўрилмоқда. Агар у ишга тушса, маҳсулот ҳажми 20 фоизга кўпаяди.

Мен учун кутилмаган янгилик машинасозлар шаҳарчаси барпо этишга киришилгани бўлди. Лойиҳага кўра, корхонанинг бўш ҳудудида юзта турар-жой коттежи, болалар боғчаси, спорт зали, савдо маркази қуриш мўлжалланаётган экан. Битган уйлардан ўнтасини шаҳардаги ёлғиз, ногирон ва вояга етган болалар уйи тарбияланувчиларига совға қилиш режалаштирилибди...

Хуллас, берилмаган саволларимнинг ҳам кўпчилигига жавоб олдим. Шундан сўнг партиямизнинг Қўқон шаҳридаги етакчиларидан бири Одинахон Дўстматова билан кейинчалик ЎзХДПнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, депутатларнинг ташаббускорлигини кучайтириш мавзусида фикрлашишни режа қилиб хайрлашдик...

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Диққат, янгилик!

Самарқанд автомобиль заводида янги, «SamAuto LE 60» русумли автобуснинг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди

ЯНГИ АВТОБУС ТАҚДИМОТИ

Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ишлаб чиқариш саноатида янги, автомобилсозлик тармоғи вужудга келди ва жадал ривожлана бошлади. Айни пайтда Асака шаҳридаги "GM-Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги енгил автомашиналар, Самарқанд автомобиль заводида тайёрланаётган автобусларни нафақат юртимиз, балки бир қатор узоқ-яқин мамлакатларда ҳам учратиш мумкин.

Янги автобуснинг тақдимот маросимида паст пойгакли биринчи ўзбек автобусининг яратилиши дунё автомобилсозлик саноатида мамлакатимиз муносиб ўрнини топиб бораётганидан далолат экани таъкидланди.

«SamAuto LE 60» ҳар жиҳатдан шинам салон ва юмшоқ ўриндиқларга эга. Йўловчилар тушиб-чиқиши пайтида машинанинг ўнг томонга эгилиши учун махсус тизим ўрнатилган. Шунингдек, автобусда имконияти чекланган йўловчилар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратилган.

Автобусни лойиҳалаштиришда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ундаги замонавий тормоз тизими нотекис ва сирпанчиқ йўлларда ҳам автобуснинг хавфсиз ва эркин ҳаракатланишини таъминлайди. Узунлиги 7,9 метр, максимал оғирлиги 9,8 тоннани ташкил этувчи янги автобус 60 йўловчи ўрнига эга. Янги машина тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Автобус двигатели капитал таъмирсиз бир миллион километргача йўл босиш имконини беради.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИДАГИ НИЗО

Мавзуга қайтиб

Таҳририятга Юнусобод тумани, Ғуломқодир Абдуллаев маҳалласи фуқароларидан шикоят аризаси тушган эди. Унда маҳалла ҳудудидаги клуб биносига тегишли бўлмаган ерлар асоссиз равишда «Гранд Азия Бизнес» маъсулияти чекланган жамияти (МЧЖ)га ижарага берилгани ва ижара шартномаси ваколатли бўлмаган Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан тузилгани ҳақида ёзилган. Шунингдек, унда айтилишича, ушбу ижарадаги ер кейинчалик шаҳар ҳокимлиги қарори билан маҳалла ихтиёрига ажратиб берилган. Маҳалла аҳли бу ҳудудда спорт соғломлаштириш маркази ва диагностика маркази қуришни бошлаб юборган, лекин низолашувдан сўнг хўжалик суди шаҳар ҳокими қарорини бекор қилган ва қурилиш тўхтатилишини белгилаган.

Маҳалла вакиллари ҳужжатларига қаралса, улар ҳақлигига шубҳа туғилмайди. Бунинг устига ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосарининг хатида ерларни ижарага беришга фақат шаҳар ҳокими ваколатли эканлиги, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан низоли ер майдонини «Гранд Азия Бизнес» МЧЖга ижарага бериш тўғрисидаги шартнома амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда тузилгани қайд этилган. Маҳалла фуқаролари мурожаати газетанинг 13 август сонида «Соғломлаштириш маркази бузилади...ми?» сарлавҳаси остида эълон қилинди.

Мақоладан сўнг «Гранд Азия Бизнес» МЧЖ директори номидан эътироз билдирилди, ҳужжатлар тақдим қилинди. Ҳужжатлардан кўринишича, клуб ва унинг атрофидаги ер майдони 1982 йил собиқ К.Маркс колхози бошқаруви қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига топширилган. Ушбу ҳужжатда клуб атрофидаги низолашилаётган ер майдони клубга тегишли ерлар сифатида кўрсатилган. Шунинг учун МЧЖ клуб ва унинг атрофидаги ер майдонини шартномада алоҳида кўрсатилмаса-да, клубга тегишли деб ҳисоблайди. Ушбу низоли ер майдони шаҳар ҳокими қарори билан маҳаллага берилгани эса асоссиз бўлган. Чунки қарор чиқарилган пайтда ижара шартнома қонуний бўлиб, ер «Гранд Азия Бизнес» тасарруфида эди. Ваҳоланки, ижара шартнома бекор қилинмасдан туриб, ушбу ер майдони иккинчи юридик шахсга — маҳаллага берилган ва МЧЖ ҳуқуқлари бузилган. МЧЖ директорининг фикрича, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасини Тошкент шаҳар ҳокимлигидан алоҳида ажратиб тушунмаслик керак ва ижара шартномаси ҳақида бу айнан шаҳар ҳокими томонидан тузилиши шарт эди, деб қатъий туриб олиш хато. МЧЖ вакиллари низо судда кўрилаётган пайтда маҳалладагиларни иморат қурманглар, деб огоҳлантиришгани, ҳатто низо охирига етмагунча қурилишни тўхтатиб туриш ҳақида суд ажрими чиққанига қарамасдан қурилиш давом эттирилганини маълум қилди.

Дарвоқе, ушбу низоли ер майдонидаги иморатлар маҳалла томонидан бугун деярли қуриб битказилиб, тайёр ҳолига келтирилган, маблағ, вақт ва меҳнат сарфланган. Лекин улар суд қарорига биноан бузилиши керак. Агар вақтида қурилишни амалга оширмаслик ҳақидаги суд ажримига бўйсуниб, маҳалла томонидан қурилиш давом эттирилмаганида бу ҳолга тушилмасди.

Юқоридаги низоли вазиятда, назаримизда, икки томонни ҳам айблаш нотўғри, деб ўйлаймиз. Маҳалла аҳли яхши ниятлар билан бу ерда спорт соғломлаштириш ва диагностика маркази қурди. «Гранд Азия Бизнес» эса ернинг қонуний эгаси, шартнома бўйича ер майдони уларга тегишли. Низонинг туғилиш сабаби бир ер майдонининг икки шахсга ажратилишига бориб тақалмоқда. Ушбу низоли 0,33 кв.м. ер майдони 2006 йил 9 октябрда ер ижара шартномаси орқали «Гранд Азия Бизнес» МЧЖга ижарага ажратилган бўлса, орадан бир йил ўтиб, 2007 йил 6 ноябрда маҳаллага соғломлаштириш ва диагностика маркази қурилиши учун ажратиб берилган. Ҳар иккала ҳужжат ҳам шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси эътиборидан ўтган. Агар ўшанда озгина эътибор берилганда эди, бугунги кунга келиб низо келиб чиқмаган ва маҳалла солинган иморатни бузишдек ачинарли ҳолга тушмаган бўлар эди. Афсуски, шундай бўлган.

Масалага мутасадди идораларнинг кичкинагина эътиборсизлиги кўриб турганингиздек, катта низоларга сабаб бўлиши мумкин экан. Шу боис масаланинг катта-кичиги бўлмайди, шунингдек, эътиборсизликнинг ҳам.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Европада Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ҳақида

Ғарб оммавий ахборот воситаларида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Я.Ленарчичнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари ижобий баҳоланмоқда.

Хусусан, хабарларда ЕХҲТ вакилининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга баҳо берган муносабати келтирилади: «Биз ЕХҲТга аъзо давлат сифатида сўнгги вақтда Ўзбекистонда, хусусан, маҳбусларни қамоқда сақлаш шароитларининг яхшиланиши борасида олиб борилган тадбирларни, шунингдек, ўлим жазосининг бекор қилиниши каби эришилган ютуқларни мамнуният билан эътироф этамиз.

Бўлиб ўтган музокараларда ҳар иккала томоннинг ҳам Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларига муносиблигини мустаҳкамлаш ишида келгусида биргаликда фаолият олиб боришга тайёр экани аниқ намоён бўлди».

Шунингдек, хабарларда Я.Ленарчичнинг, жорий йилнинг декабрь ойига мўлжалланган парламент сайловларида Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасасининг кузатувчи сифатида иштирок этиш форматини белгилаш учун муассаса стандарт миссияни юборишга тайёр эканини билдирган фикрлари ўз аксини топган.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари муассасаси директори Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакат расмий вакиллари билан учрашиб, қонунчилик ижоди жараёнини яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонунларни такомиллаштириш, одам савдосига қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш ишларини олиб бориш каби жабҳаларда ўз ташкилотининг ёрдам кўрсатиши таклифини илгари сургани таъкидланади.

Жумладан, Европа ОАВнинг хабарларида берилишича, Я.Ленарчич ўзи бошқараётган муассаса фуқаролик жамиятининг фаолияти учун янада яхшироқ шароитлар яратиб беришда ёрдам кўрсатишига тайёр эканлигини изҳор этди.

«Жаҳон» АА, Париж

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотни тўлиқича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг яшаш блокини капитал таъмирлаш	121 219 340 сўм	101 016 117 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 73-уй, телефон: (8-366) 233-10-32.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.


Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

Одатда аёллар ҳомиладорлик таътилига чиқадилар. Чақалоқ дунёга келгандан кейин ҳам маълум вақтгача оналар таътилни давом эттирадилар. Эндиликда Буюк Британиядаги оилаларда чақалоқ туғилса, нафақат оналар, балки оталар ҳам таътилга чиқиши ва бола тарбияси билан шуғулланиши мумкин.



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ УЧУН
оталар ҳам масъул, демак...



«The Daily Mail» газетаси хабарига кўра, ёш оталарга ярим йиллик таътил берилади.

Ушбу янги қоида 2011 йилдан эътиборан кучга киради ва 400 мингга яқин ёш ота ундан фойдаланиши мумкин.

Айни дамда уларда икки ҳафталик таътил олиш ҳуқуқи бор. Аёллар эса 1 йиллик таътилга чиқадилар.

2011 йилдан эса ота ва она болага қараш мажбуриятини тенглик асосида ҳал этадилар. Яъни она 1 йиллик таътил муддатини якунлаб ишига қайтгач, ота таътилга чиқиши мумкин.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан

ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объектлар номи	Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм)	Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм)	Қурилиш муддати
Лот 1	Сардоба тумани Ф.Хўжаев ДФХУдаги 375 ўқув ўринли касб-ҳунар коллежининг қўшимча смета ҳужжатлари бўйича қурилиш ишлари	389 400,0	324 500,0	110 кун
Лот 2	Сайхунобод тумани К.Султонов ДФХУдаги 405 ўқув ўринли касб-ҳунар коллежининг қўшимча смета ҳужжатлари бўйича қурилиш ишлари	117 200,0	97 667,0	60 кун

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй, **тел:** (8-3672) 27-63-86.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги бўш айланма маблағлари ва кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел (факс): (8-3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.



ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Марказий Бошқаруви жамоаси кўп йиллардан буён жамият ишларида фаоллик кўрсатиб келаётган ҳуқуқшунос Абдужалил Абдураҳмонович Ҳасановни 70 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди, унга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайди.

ВИЗА ТАРТИБИ
бекор қилинади

Молдованинг янги раҳбарияти қўшни республика — Руминия билан бордикелди масаласида шу йил 8 апрелда мамлакатнинг собиқ президенти Владимир Воронин томонидан жорий этилган виза тартибини бекор қилишни мўлжаллаб турибди.



Молдова президенти вазифасини вақтинча бажарувчи, парламент спикери Михай Гимпу Руминия радиоси мухбирига берган интервьюсида буни алоҳида таъкидлади, дейилади «Regnum» АА хабарида.

Спикернинг айтишича, Руминия фуқаролари кейинги ҳафтадан бошлаб Молдовага визасиз ташриф буюришлари мумкин.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоот қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича Бандихон туман суди биноси қурилиши (газлаштириш билан бирга).

Буюртмачининг бошланғич нархи:

— қўшимча қиймат солиғи билан — 384,429 млн. сўм,

— қўшилган қиймат солиғисиз — 320,357 млн. сўм.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 217 кун.

Буюртмачи: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 80-уй.

Тел/факс: (8-376) 223-05-20, 223-04-86, 223-04-81.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасига ажратилган Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаварҳитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй,

Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй**да ўтказилади.

СПОРТ

«НЕФТЧИ»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича илк маротаба ОФК кубоги баҳсларида қатнашаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари чорак финалнинг дастлабки учрашувида зафар қучди

Мусобақанинг гуруҳ ва нимчорак финал учрашувларини муваффақиятли ўтказган Юрий Саркисян шогирдлари қуръага кўра навбатдаги босқичнинг дастлабки ўйинида Гонконгнинг «Саут Чайна» жамоаси билан куч синашди. Уй-сафар тизими асосида уюштирилаётган чорак финалнинг илк ўйинида фарғоналиклар учун ғалаба жуда муҳим эди. Гарчи, Гонконг миллий терма жамоаси қитъа миқёсида ҳали бирорта ижобий натижа қайд эта олмаган бўлса-да, «Саут Чайна» футбол клуби таркибида иқтидорли футболчилар тўп суриши учрашув мобайнида яққол кўзга ташланди. Буни ўйин натижаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Таркибини Хитой ва Бразилия сингари давлатларнинг тажрибали легионерлари билан бойитган «Саут Чайна» жамоаси Фарғонага ҳужумкор таркибда ташриф буюриб, учрашув давомида мухлислар ва мезбонларни анча ҳаяжонга солди. Баҳснинг биринчи бўлимида дарвозалар олти маротаба ишғол қилинди — 3:3. Танаффусдан сўнг фақат ютуқни кўзлаб тўп сурган мезбонлар ўзларининг иродали ғалабаларини нишонлашди — 5:4. «Нефтчи» жамоасининг ушбу муҳим ғалабасига ҳужумчи Анвар Бердиев муносиб улуш қўшди. У рақиб дарвозасини тўрт маротаба аниқ нишонга олди. Яна бир голга Мансур Саидов муаллифлик қилди.

Чорак финалнинг қолган уч учрашувида дуранг натижа қайд этилди:

«Чонбури» (Таиланд) — «Бекамекс Бинг Дуонг» (Вьетнам) — 2:2

«Ал-Қувайт» (Қувайт) — «Арбил» (Ироқ) — 1:1

«Ал-Карама» (Сурия) — «Ал-Араби» (Қувайт) — 0:0.

Чорак финал жавоб ўйинлари 30 сентябрь куни ўтказилиши белгиланган.

Эркин ХОЛБОБО

Хабарингиз бор, 24 сентябрь куни Мисрда ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Унда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилади.



ЎЗБЕКИСТОН — ГОНДУРАС — 1:0

Шу кунларда мамлакатимиз ёшлари мазкур нуфузли мусобақа олдидан сўнгги ўқув-машғулот йиғинини Испаниянинг Аликанте шаҳрида олиб бормоқда. Йиғин доирасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гондураслик тенгдошлари билан ўртоқлик назорат учрашувида майдонга тушди. Тенг курашлар остида кечган ўйиннинг 84-дақиқасида пахтакорчи Ойбек Қиличев томонидан киритилган ягона гол ёшларимизнинг ғалабасини таъминлади — 1:0.

Бош мураббий Аҳмад Убайдуллаев Гондурас ёшлар терма жамоасига қарши ўтган баҳсда қуйидаги таркибни синовдан ўтказди: Дониёр Усмонов, Мурод Холмуҳамедов, Дилёрбек Эрматов, Ислом Тўхтахўжаев, Сарвар Отабоев, Шерзод Каримов (Сардор Мирзаев, 55), Ғулом Ўрунов, Суннат Мамадалиев, Ойбек Қиличев, Санъат Шихов (Жасур Ҳасанов, 53), Кенжа Тўраев (Иван Нагаев, 75)

Эслатиб ўтамиз, кейинги назорат учрашувини Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 19 сентябрь куни коста-рикалик тенгдошларига қарши ўтказади.

ЗИКО ҚАЕРДА ИШЛАМОҚЧИ?

Ўтган мавсумда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоасини бошқарган бразилиялик мураббий Зико охирги пайтларда Москванинг ЦСКА футбол клубида фаолият кўрсатаётган эди. Бир ҳафта муқаддам москваликлар бу мутахассис билан шартномани бекор қилишди.

Куни кеча хорижий спорт нашрлари Зиконинг янги жамоада иш бошлаш эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар тарқатди. Унга кўра, Бразилия чемпионатида тўп сураётган «Фламенго» жамоаси раҳбарлари таниқли мураббийни ишга таклиф этган. Клуб президенти Марсио Брага бу таклиф жуда ҳам жиддий эканлигини таъкидлаган.

Аммо Зико Европа футбол клубларидан бирида ишлаш ниятида эканлигини билдирган.

ЛЕВ ЯШИННИ ХОТИРЛАБ

Афсонавий дарвозабон Лев Яшин ҳаёт бўлганида шу йил саксон ёшни қаршиларди. Россия футбол уюшмаси таниқли футболчи юбилейини муносиб нишонлашга қарор қилди.

Шу муносабат билан 10 октябрь куни Россия ва Германия фахрийлари ўртасида ўртоқлик ўйини ташкил этилади. Лев Яшин юбилейига бағишланган хотира учрашуви «Лужники» стадионида бўлиши кўзда тутилмоқда.

Унда терма жамоалар қуйидаги таркибда майдонга тушишади:

ГЕРМАНИЯ: Дитер Бурденски, Оливер Рек, Лотар Маттеус, Маттиас Хергет, Марко Ремер, Франк Бауман, Дитер Эльтс, Манфред Кальц, Михаэль Шульц, Гюнтер Херман, Штефан Бейнлих, Йорг Хейнрих, Мико Вотава, Франк Орденейц, Фреди Бобич, Ульф Кирстен, Рой Прегер. Ўйновчи мураббий - Райнер Бонхоф.

РОССИЯ: Ринат Дасаев, Александр Филимонов, Владимир Пильгуй, Виктор Лосев, Сергей Силкин, Виктор Онопко, Ахрик Цвейба, Вагиз Хидиятуллин, Валерий Карпин, Владимир Татарчук, Сергей Кирьяков, Дмитрий Кузнецов, Андрей Якубик, Дмитрий Ананко, Дмитрий Аленичев, Дмитрий Попов, Валерий Шмаров, Юрий Ковтун, Александр Мостовой, Евгений Милешкин, Эрик Яхимович, Игорь Колыванов, Сергей Шавло, Георгий Ярцев, Николай Писарев.

SPORT

Қилмиш-қидирмиш

ТОВЛАМАЧИ «АВТОСТОЯНКА»ЧИ

Инсон ҳаёти давомида хато қилиши, иродасизлиги туфайли ўзгаларнинг таъсирида жиноят кўчасига кириб қолиши мумкин. Бундай одамлар боши тошга бориб урилгач, кўзи очилади, жазосини олади, сўнгра ўз хатосини англаб, турмушда ўз йўлини топиб кетади. Лекин шундай кимсалар ҳам борки, афсус қилмайди, хулоса чиқармайди, тузалиш йўлига кирмайди.

Дилшод Азимов бир неча бор жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этилса-да, бировнинг мулкига тажовуз қилишдан қайтмади. У 2008 йилнинг 18 октябрь куни муқаддам судланган Асатилла Абдураҳимов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, спиртли ичимлик ичиб, Самарқиддин Додахўжаевга тегишли «Тико» русумли автоуловга йўловчи сифатида ўтиришган. Автоулов улар айтган манзил — Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, «Мироб-Боғбон» узумчилик ширкатидаги дала ҳовлилар орқасидаги Чирчиқ дарёси бўйига келади. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, икковлон ҳайдовчига пичоқ ўқталиб, қўрқитишади, тан жароҳати етказишади. Жиноятчилар С.Додахўжаевга тегишли бўлган 25.000 сўм пул, мусиқа дисклари, автомагнитофон, фуқаролик паспорти ва бошқа шахсий мулкини тортиб олиб, жабрланувчига жами 10.325.000 сўмлик моддий зарар етказишган.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Ўта хавфли рецидивист деб топилган Дилшод Азимов ва Асатилла Абдураҳимовлар узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди.

Фуқаро Г. муқаддам «Амнистия тўғрисида»ги Фармонга асосан афв этилган эди. Аммо у ўзига кўрсатилган бундай бағрикенгликни суиистеъмол қилди. У 2000 йилдан тегишли идоралардан расмий ҳужжатсиз Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳудудида жойлашган «Қўйлиқ деҳқон бозори» ёнидаги автотураржойда ҳайдовчиларга «Алимкент — Қўйлиқ» йўналишини гўёки ўзи ташкил қилганини, шу йўналишга раҳбар эканини маълум қилган. Йўналиш бўйича қатнайдиган транспорт ҳайдовчиларидан ойига 5000 сўмдан 10000 сўмгача пул талаб қилган, катта миқдордаги маблағни ўзлаштириб келган. Бу қоидага бўйсунишни истамаган ҳайдовчиларнинг автоуловига шикаст, ўзига тан жароҳати етказиш, йўналишдан олиб ташлаш билан қўрқитиб, товламачилик йўли билан ноқонуний даромад тўплаган. Шу тариқа бу аёл 2009 йилнинг март ойига қадар товламачи «автостоянка»чилик фаолияти билан шуғулланган.

Лекин қинғирликнинг охири вой бўлди. Товламачилик йўли билан даромад кўриш йўлига кирган Г. Жиноят кодексининг тегишли бандига асосан айбдор деб топилди ҳамда 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай, эртами-кечми қонунбузар шахс, албатта, фош бўлади ва жазосини олади.

Умид НАСРИДДИНОВ,
Равшан ЖАКБАРОВ,
Бектемир тумани прокурори ёрдамчилари.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8239 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 45678
Sotuvda erkin narxda

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚССиз	Қурилиш муддати
1	«Самарқанд» халқаро аэропортида қўниш учун радиомаяк мосламасини ўрнатиш DLS с DMEJ СП-200/РМД-90НП узун ўлчовли қўниш навигация радиомаяки билан	501 875 600 сўм	418 229 639 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари «Самарқанд» халқаро аэропорти ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уй.

Телефон: (8-366) 230-86-99, 232-04-82.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.


Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон қилингандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уй, «Самарқанд» халқаро аэропорти биносида соат 10.00 да ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш Маркази жамоаси «Ўзпўлатқурилмалойиҳа» ёпиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шуҳрат Турсунович Абдукамиловга падари бузруквори **ТУРСУН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

ёдгорлик мажмуи маркази жамоаси

Мамлакатимиз барча мўмин-мусулмонлари ва халқини Рамазон ҳайити билан самимий табриклайди. Ушбу муборак кунларда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз. Мамлакатимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз ободлиги, дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаш борасидаги эзгу амалларингизда Оллоҳ ҳамиша ёр бўлсин!



Меҳр ва маърифат, оқибат ва шафқат нури қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!